

2 – масала

“Институт кафедралари ва факултетларининг бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича 2013-2014 ўқув йилида ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 5 июл 9/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “Институт кафедралари ва факултетларининг бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича 2013-2014 ўқув йилида ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида”ги масала юзасидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор А.Н.Гадаевнинг ҳисоботини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимни ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек ОЎМТВ буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида институтга бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича масъул шахслардан иборат гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ишчи гуруҳлари томонидан СамДАҚИ ва турдош касб-хунар коллежлари ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасига асосан лицей ва коллежларда таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижроси ташкил этилди.

Вилоятни иқтисодий ривожлантириш Дастуридан келиб чиқиб, Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик, Каттакўрғон саноат ва миллий ҳунармандчилик, Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежларида истиқболда корхоналар учун зарур бўлган кичик мутахассисликлар тайёрлов йўналишларини очиш бўйича ҳамкорликда таклифлар тайёрланди. Кўрсатилган техник ва услубий ёрдам натижасида Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, Булунғур миллий ҳунармандчилик, Пастдарғом қурилиш технологиялари, Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежларига келтирилган замонавий асбоб ускуналардан фойдаланиш кўрсаткичларининг ошишига эришилди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 27 июлдаги 4/2 –сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш бўйича институтга бириктирилган АЛ ва КҲК ларининг ўқув жараёнига **51 нафар** профессор-ўқитувчилар жалб этилиб, юқори савияда замонавий педагогик ва ахборот технологиялар асосида дарс жараёнларини шакллантириб келмоқдалар.

Бириктирилган лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларига услубий ёрдам сифатида “Инновацион ва педагогик технологияларни қўллаш”, “Амалий инглиз тили” ва “Интернет саводхонлиги” дан **28 та** семинар-тренинг, жами **28 та** “очиқ дарс” ва **8 та** “маҳорат дарслари” ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда ўрта махсус, касб-хунар коллежлари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этишда “**Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш**”, “**Геотехника ва автомобил йўллари**”, “**Қишлоқ архитектураси**” кафедраларида ижобий силжиш кузатилмади.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олиб,

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Институт кафедралари ва факултетларининг бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича 2013-2014 ўқув йилида ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида” академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор **А.Н.Гадаев**нинг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан бириктирилган ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари билан замонавий педагогик, ахборот ва коммуникация технологияларини қўллашда ҳамкорлик қилиш, ўқув-методик ишлар самарадорлигини ошириш, коллежларга хорижий грантлар асосида келтирилган замонавий ўқув-лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш бўйича техник ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда мазкур жиҳозлардан биргаликда фойдаланиш ташкил қилинсин.

- Масъуллар:** АЛваКХКлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожиддинов ва кафедра мудирлари. **Муддат:** Доимий
3. Кафедралар асосий штатида бўлган профессор-ўқитувчиларининг камида 2 нафарини соатбай ва ўриндошлик асосида ҳудуддаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқув жараёнига жалб этилиши таъминлансин. **Масъуллар:** АЛваКХКлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожиддинов ва кафедра мудирлари. **Муддат:** 2014 йилнинг сентябр ойигача.
 4. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун тайёрланадиган ўқув адабиётларини институт илмий-услубий кенгаши муҳокамасидан ўтказиш йўлга қўйилсин. **Масъуллар:** АЛваКХКлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожиддинов ва кафедра мудирлари. **Муддат:** Доимий.
 5. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларидаги мавжуд замонавий лабораториялардан фойдаланиш учун институтнинг мутахассис тайёрловчи кафедралари ва касб ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилсин. **Масъуллар:** АЛваКХКлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожиддинов ва мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари. **Муддат:** Доимий.
 6. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини институтимизга жалб қилиш мақсадида ҳар ўқув йилининг май ойида институтда “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилсин. **Масъуллар:** АЛваКХКлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожиддинов ва Маркетинг бўлими бошлиғи М.У.Саримсоқов.
 7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор **А.Н.Гадаев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“Якуний Давлат Аттестацияларининг натижалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 5 июл 10/2-сонли қарори

Илмий кенгаш кун тартибидаги “Якуний Давлат Аттестацияларининг натижалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ўқув бўлими бошлиғи Ш.А.Бўрибоевнинг ҳисobotини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида таҳсил олишиб, 2013-2014 ўқув йили битирувчи талабаларнинг белгиланган тартибда “Ўзбекистон тарихи” ва “Чет тиллар” (инглиз, немис, француз) фанларидан Якуний давлат аттестация синовлари ташкил этилди.

Бунинг учун, Низомда қайд этилганидек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ДАК раислари раҳбарлигида факультет деканлари ҳамда тегишли кафедра мудирлари томонидан тақдим этилган билдиришномалар асосида ЯДАК таркиби шакллантирилиб, 2014 йил 16 январда Х-9 сонли ректор буйруғи қабул қилинди.

Бакалаватура таълим йўналишлари бўйича ДАК жадвал асосида 9 кун давом этди. Унда **4 та** факультетдан **624 нафар** битирувчи 4 курс талабалар қатнашиб, аттестациядан ўтказилган.

Магистратура мутахассислиги бўйича жорий ўқув йилида **11 та** мутахассисликлар бўйича битирувчи магистрлар “Илмий тадқиқот методологияси” ва “Мутахассислик фанлари”дан якуний Давлат аттестацияси синовлари ўтказиди.

“Илмий тадқиқот методологияси” фанидан ЯДА синовларини 55 нафар магистрдан **12 нафари** (21%) “аъло” баҳога; **30 нафари** (55%) “яхши” баҳога; **13 нафари** (24%) “қониқарли” баҳога топширишди..

“Мутахассислик фанлари”дан ЯДА синовларини 54 нафар магистрдан **15 нафари** (28%) “аъло” баҳога; **28 нафари** (52%) “яхши” баҳога; **11 нафари** (20%) “қониқарли” баҳога топширишди.

Бундан ташқари ДАК жараёнида баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Жумладан, “Қурилиш” ва “Қурилишни бошқариш” факультетлари талабаларининг рейтинг дафтарчалари тўлдирилмаган, факультет деканининг имзоси ва факультет муҳри қўйилмаган ҳолатлар қайд этилган. Шунингдек, деканатлар томонидан талабаларнинг кийиниш маданиятига ҳам эътибор берилиши лозим.

Юқоридаги қайд этилган мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Илмий кенгаш кун тартибидаги “Якуний Давлат Аттестацияларининг натижалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ўқув бўлими бошлиғи Ш.А.Бўрибоевнинг ҳисobotи тасдиқлансин.
2. Кейинги ўқув йилидан бошлаб ЯДА синовларида қатнашувчи талабаларнинг ҳужжатлари камчиликсиз ва ўз вақтида ЯДА котибларига етказиши таъминлансин. **Масъуллар:** Факультет деканлари.
3. Жорий ўқув йилида бўлиб ўтган ЯДАларда факультет деканатлари томонидан баъзи талабаларнинг кийиниш маданиятига эътибор берилмагани танқидий

эътироф этилсин ва бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун гуруҳ мураббийларининг масъулияти оширилсин. **Масъуллар:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Т.Эгамов, факультет деканлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддати:** Доимий.

4. Битирув малакавий ишлари ҳимоялари масалалари аввало барча факультет кенгашларида муҳокама қилинсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари.
1. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

“Ахборот ресурс марказининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2014 йил 5 июл 9/2-сонли қарори

Илмий кенгаш “Ахборот ресурс марказининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан институт ахборот ресурс маркази директори **Д.У.Маматқулованинг** ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институт АРМнинг умумий китоб фонди **459898** дона бўлиб, улар **130370** номда. Илмий адабиётлар бўлимидаги жами китоблар сони **101491** дона **18567** номда. Ўқув адабиётлар сони **281307** дона **94869** номда. Шундан, лотин алифбосидаги ўқув адабиётлар сони **12123** дона **743** номда. Чет тили адабиётлар бўлимидаги адабиётлар сони **9212** дона **310** номда. Бадиий адабиётлар бўлимидаги жами адабиётлар сони **67888** дона **16632** номда. Бошқа адабиётлар сони **53082** дона **18447** номда.

Институтнинг ахборот ресурс маркази ҳар йили Республикамизда чоп этилаётган газета ва журналларга обуна қилинмоқда, шу жумладан жорий йилда **38** номда газета **3** номда журналларга обуна қилинди.

Ахборот ресурс маркази керакли оргтехника воситалари билан таъминланган, яъни **2** дона принтер, **2** дона скайнер, **3** дона универсал принтер (три в одном) ва **25** дона компьютерлар мавжуд. Барча компьютерлар интернет ва корпоратив тармоққа уланган. Институт талабаларнинг фойдаланишлари учун **18** та компьютер ва ходимлар учун **7** дона компьютер ажратилган.

АРМнинг АТМ бўлимида мавжуд электрон дарслик ва ўқув адабиётлар сони **2700** тани ташкил этади. Шу билан биргаликда АРМда мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларни сканер қилиб, электрон нусхаси яратилиб ички локал тармоққа ўрнатилмоқда. “**АРМАТ**” электрон каталоглаштирувчи дастурига адабиётларни киритиш учун корпоратив тармоққа уланган. Ҳозирги кунда **9000** га яқин ўқув адабиётларини киритилиб борилмоқда. Бу дастурнинг қулайлиги институтда етишмаётган ўқув адабиётларини тизимга уланган ҳолда Ўзбекистоннинг исталган Олийгоҳлари рўйхатидан **қисқа вақтда олиб фойдаланиш мумкин**.

Институтда таҳсил олаётган талабаларнинг барчаси АРМнинг ўқув бўлимида обуна бўлган ва уларнинг фойдаланиш даражаси **81%** ни ташкил этади.

Юқорида таъкидланган шароитлар билан бирга ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, лотин алифбосидаги ўқув адабиётларининг етишмаслиги, куз-қиш мавсумида АРМга қарашли хоналарнинг совуқлиги ва ўқув хонасидаги мавжуд мебел жиҳозларининг маънавий эскарланлиги кабиларни айтиб ўтиш лозим.

Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Ахборот ресурс марказининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан институт ахборот ресурс маркази директори **Д.У.Маматқулованинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзи дарс берадиган фанлардан лотин алифбосида тайёрланган маъруза матнларидан камида иккита нусхаси ва электрон шакли институт АРМга топширишсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2014-2015 ўқув йилигача.
3. Талабаларига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ўқув залидаги маънавий эскирган мебел жиҳозлари таъмирлансин. **Масъуллар:** Молия ва иқтисодиёт

ишлари бўйича проректор Б.Қ.Абдусаматов, АРМ директори Д.У.Маматқулова.

Муддати: 2014 йилнинг сентябр ойигача.

4. Институт ахборот ресурс марказига Қурилиш нормаларининг давлат стандартлари тўплами (ўзбек тилида чоп этилгани) келтириш чоралари қўрилсин. **Масъуллар:** АРМ директори Д.У.Маматқулова. **Муддати:** 2014 йилнинг сентябр ойигача.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича сўз **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

I. Докторлик диссертациялари мавзуларини тўғрисида.

Мазкур масала юзасидан институт илмий ишлар бўйича проректори Э.Х.Исаковнинг маълумоти тингланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2014 йил 24 июндаги “Институтда илмий-тадқиқот олиб бораётган катта имий ходим-изланувчилар (1-босқич) ва мустақил изланувчиларнинг қайта кўриб чиқилган докторлик диссертация мавзуларини институт илмий кенгашида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги 01-08/676-сонли хати ўқиб эшиттирилди. Институтда илмий-тадқиқот олиб бораётган катта имий ходим-изланувчилар (1-босқич) ва мустақил изланувчиларнинг қайта кўриб чиқилаган докторлик диссертациялари мавзуларини тасдиқлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққанлар ушбу докторлик диссертациялари мавзуларининг долзарблиги ва илмий янгилиги ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Институтида илмий-тадқиқот олиб бораётган катта имий ходим-изланувчилар (1-босқич) ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзулари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу тасдиқланган докторлик диссертациялари мавзулари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига белгилан муддатда етказилиши таъминлансин.

II. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг стипендиясига тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

Институт ходимлар ва талабалар бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси **М.С.Махамматов**нинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 30 апрелдаги ФХ-03/322-сонли хатига ва “Касаба уюшмаларининг стипендияси ва уни тайинлаш бўйича Низом”га мувофиқ “Архитектура” факультети 202-“Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш” гуруҳи талабаси **Каримова Мафтуна Одилбоевнанинг** номзодини тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Касаба уюшмаларининг стипендияси ва уни тайинлаш бўйича Низом”га мувофиқ “Архитектура” факультети 202-“Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш” гуруҳи талабаси **Каримова Мафтуна Одилбоевнанинг** номзоди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг стипендиясига тавсия этилсин.
2. Ушбу номзоднинг ҳужжатларини Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлар бирлашма кенгашига ўз вақтида тақдим қилиш институт касаба уюшмаси кўмитаси раиси **М.С.Махамматовга** юклатилсин.

III. Ўқув адабиётларни чоп этишга тавсия қилиш ҳақида..

Эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш юзасидан олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тўғрисида”ги 2011 йил 14 мартдаги 109-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида доцентлар **С.Исроилов** ва **Х.Қўлдошев**лар томонидан “Умумқурилиш” йўналиши бўйича таълим олувчи касб-ҳунар коллежлари талабалари учун яратилган “**Қурилиш материаллари ва ишлари**” номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

С.Исроилов ва **Х.Қўлдошев**лар томонидан “Умумқурилиш” йўналиши бўйича таълим олувчи касб-ҳунар коллежлари талабалари учун яратилган **“Қурилиш материаллари ва ишлари”** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” таълим йўналиши талабалари учун “Иқтисодиёт ва кўчмас мулк” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев** томонидан тайёрланган **“Оценка недвижимости” (примеры, задачи и упражнения)** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” таълим йўналиши талабалари учун “Иқтисодиёт ва кўчмас мулк” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев** томонидан тайёрланган **“Оценка недвижимости” (примеры, задачи и упражнения)** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти **В.Ф.Усмонов** томонидан тайёрланган қуйидаги ўқув қўлланмаларини

А) “Темирбетон конструкциялари” фани бўйича ўзи томонидан тайёрланган **“Темирбетон конструкцияларидан мисоллар тўплами”** номли ўқув қўлланмаси;

Б) “Темирбетон конструкциялари” фани бўйича ўзи томонидан тайёрланган **“Турар-жой биноларининг қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш” (1-қисм. Бир қаватли бинолар)** номли ўқув қўлланмаси;

В) “Темирбетон конструкциялари” фани бўйича ўзи томонидан тайёрланган **“Примеры расчёта железобетонных и каменных конструкций”** номли ўқув қўлланмаси чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти **В.Ф.Усмонов** томонидан тайёрланган қуйидаги ўқув қўлланмаларини

А) “Темирбетон конструкциялари” фани бўйича ўзи томонидан тайёрланган **“Темирбетон конструкцияларидан мисоллар тўплами”** номли ўқув қўлланмаси;

Б) “Темирбетон конструкциялари” фани бўйича ўзи томонидан тайёрланган **“Турар-жой биноларининг қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш” (1-қисм. Бир қаватли бинолар)** номли ўқув қўлланмаси;

В) “Темирбетон конструкциялари” фани бўйича ўзи томонидан тайёрланган **“Примеры расчёта железобетонных и каменных конструкций”** номли ўқув қўлланмаси чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

Филол.ф.д. **У.Санақулов** ва доцент **А.Т.Қўлдошев** ҳаммуаллифлигида яратилган **“Буюк ақл-заковат эгаси”** номли илмий-оммабоп рисола чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Филол.ф.д. **У.Санақулов** ва доцент **А.Т.Қўлдошев** ҳаммуаллифлигида яратилган **“Буюк ақл-заковат эгаси”** номли илмий-оммабоп рисола чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси профессори **О.Салимов** томонидан “Архитектура ёдгорликларини тиклаш ва улардан фойдаланиш” фанидан маъруза ва амалий машғулотлар учун **“Архитектура ёдгорликларини тиклаш ва улардан**

фойдаланиш” номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаатовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси профессори **О.Салимов** томонидан “Архитектура ёдгорликларини тиклаш ва улардан фойдаланиш” фанидан маъруза ва амалий машғулотлар учун “**Архитектура ёдгорликларини тиклаш ва улардан фойдаланиш**” номли ўқув қўлланмасини чоп этишга тавсия берилсин.

VI. Илмий-амалий мақолалар тўпламини чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

Эшитилди:

Маънавият ва маърифат бўлими томонидан тайёрланган “**Маънавият қалбим қуёши**” номли илмий-амалий мақолалар тўпламини чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаатовнинг** ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Маънавият ва маърифат бўлими томонидан тайёрланган “**Маънавият қалбим қуёши**” номли илмий-амалий мақолалар тўпламини чоп этишга рухсат берилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаатов